

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 27-aprel, payshanba

№ 18 (9234)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

ТОШКЕНТ ЕРУСТИ МЕТРОСИНИНГ “ҚЎЙЛИҚ” – “ҚУРУВЧИЛАР” ЙЎНАЛИШИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, йўловчиларни ўз манзилларига тез ва хавфсиз етказиб қўйишни ташкил этиш, жамоат транспорти жозибadorлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида метрополитен тармоғини кенгайтириш борасида улкан лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2020 йил августда Ўрта Осиёда илк мартаба эстакада услубидаги Тошкент ерусти метросининг биринчи босқичи ишга туширилди. Шу йили декабрь ойида эса Сергели йўли очилди. Натияжада юз минглаб аҳолининг узоғи яқин, оғири енгил бўлди.

Авваллари Тошкент метрополитени хизматидан 240 минг йўловчи фойдаланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 620 мингдан ошди.

Темирйўлчилар томонидан бунёд этилган ер усти ҳалқа метро йўналишининг 1-босқичи бўлган “Дўстлик – Қўйлиқ” участкасида янги ва замонавий метро поездларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатилаётган бўлса, ушбу лойиҳанинг давоми бўлган 2-босқичи – 7,74 километрлик “Қўйлиқ – Қурувчилар” участкасида 5 та янги бекат куриб битказилди.

Қўйлиқдан Қурувчилар даҳасигача бўлган мазкур бекатларда поездларнинг синнов тартиқасидаги ҳаракати ишончли амалга оширилиб, ушбу янги бекатлар 1-босқичда барпо этилган бекатлар билан техник жиҳатдан ўзаро боғланган, “Қўйлиқ” – “Қурувчилар” йўналиши фойдаланишга



топширилди. Мазкур бекатларнинг фойдаланишга топширилиши натижасида Тошкент метрополитени бекатларининг умумий сони 48 тага етди.

Фойдаланишга топширилган бекатлар кенг, ёруғ ва кўркам бўлиб, ҳар бир бекат ўзига хос дизайнда, айниқса, биноларнинг ташқи қопламаси сифатли ва ҳар қандай

об-ҳавога чидамли мрамар ва бир-бирига ўхшамаган кўркам рангдаги кафеллар билан безатилган.

Бекатларнинг 2-қаватдаги перрон қисми кўриниши ҳам бир-бирини такрорламайди. Дизайн, қурилиш маҳсулотларининг тури ва рангида фарқ бор. Бу эса бекатларнинг ўзига хос кўринишга эга бўлганидан дало-

латдир. Ҳар бир бекатда ёнғин хавфсизлиги йўлга ташкил этилган. Замонавий лифт ва эскалаторлар ўрнатилган. Имконияти чекланган йўловчилар учун ҳам қулайликлар яратилган.

Лойиҳанинг 2-босқич қисмидаги “Қурувчилар – Қипчоқ” участкасида ҳам бунёдкорлик ишлари ҳозирда жадаллик билан амалга оширилиб, лойиҳада белгиланган яна 2 та бекатнинг қурилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Ер усти метроси қурилишининг иккинчи босқичи тўлиқ якунланиши билан Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан ошди, бекатлар сони 50 тага етди.

Шуни айтиш жоизки, ушбу ишлар тизимли равишда давом эттирилиб, келгусида метро пойтахтнинг барча нуқталарига олиб боровчи нафақат тезкор, балки энг қулай транспорт тармоғи сифатида кенгайтирилади.

Шаҳноза МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.



АНДИЖОН ИЛМИЙ-ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИДА ПИЁЗНИНГ “МАЛЛА” НАВИ ЯРАТИЛДИ

Бугун қишлоқ хўжалигида илм ва инновацияга берилган эътибор туфайли қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари яратилмоқда. Жумладан, соҳадаги илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан яратилаётган янги навлар ва уларнинг мамлакатимиз озиқ-овқат тизимини бойитишга қўшаётган ҳиссаси туфайли аграр соҳанинг имкониятлари янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик” илмий-тадқиқот институти Андижон илмий-тажриба станциясининг экин майдони 84,5 гектар бўлиб, ушбу майдонда 17 турдаги экинлар экилиб, уруғлари кўпайтириб келинмоқда. Экилган уруғлар буйича синнов амалиётлари ҳам шу тажриба станциясининг ўзида олиб борилади. Бу ердаги олимлар томонидан пиёзнинг “Малла” нави яратилди. Ҳозирда ушбу нав учун патент олишга ҳужжатлар топширилган. Ушбу нав интенсив усулда етиштирилаётгани билан ажралиб туради.

Янги пиёз навининг уруғи ерга мартнинг дастлабки ўн кунлигида сепилади. 15 сотих ер майдонига 10-12 килограмм пиёз уруғи сепилади, шу майдондан териб олинган пиёзбошчалар бир гектар майдонга етади. Пиёзбошчалар гилос катталигида бўлгандан сўнг йиғиб олинади. Пиёзбошчалар қурилиб, алоҳида жойга олиб қўйилади. Сентябрь ойининг биринчи декадасида пиёзбошчалар 70x10 схемада 4 қатордан гектарига 571,4

минг дона экилади. Пиёзбошчалар экилгандан сўнг унга бир мартаба сув қўйилади. Шундан сўнг пиёзбошчалар кўкара бошлайди. Қишнинг совиқ кунларида етиштирилгани учун пиёзларни ўташ шарт эмас, сабаби, ушбу мавсумда ўтлар ўз-ўзидан нобуд бўлади.

Экилган пиёзларга эрта баҳорда бир мартаба ишлов берилади. Шунингдек, бир мартабадан култивация ва чопиқ, енгил озиклантириш ишлари амалга оширилади. У яна икки мартаба суғорилади. Баҳорда, яъни 15 апрелда пиёз техник пишиб етилади ва аҳоли истеъмоли учун маҳаллий бозорларга чиқарилади. Янги пиёз навининг афзаллиги шундаки, у одатий пиёзларга қараганда бир ой олдин пишиб, етилади.

Шунингдек, ушбу тажриба станциясида саримсоқ ҳам экилиб, етиштирилмоқда. Чунончи, ўтган йил августда саримсоқ экилган бўлиб, ушбу маҳсулотни жорий йил май ойи бошларида экспорт қилиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ЎЗЎВОНДА ХИТОЙЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ҚАЛАМПИР ЕТИШТИРИЛМОҚДА

Бугунги кунда Ўзёвон туманидаги Порлоқ маҳалласи ҳудудида истиқомат қилаётган бир гуруҳ аҳоли ўзларига берилган ерларга хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда қалампирнинг “Чили” навини экмолмоқда.

Қоратепа, Гузарбоши ва бошқа маҳаллалардан ҳам уюшмаган аҳоли вакиллари қалампир кўчатлари экишда қатнашапти. Парвариши юқори даражада ташкил қилинадиган қалампир ҳосили пахта теримидан аввал йиғиб-териб олишга киришилган экан. Қалампирзорлар томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида суғорилади.

– Қалампир ҳосилидан катта даромад олиш режалаштириляпти, – дейди Порлоқ маҳалласи оқсоқоли Азизжон Холматов. – Янги иш ўринлари кўпайётганидан, ҳосилдан чўнтакка салмоқли даромад тушишидан мамнун бўляпмиз.

Ўзёвон маҳаллаларида балиқ боқиш ҳам яхши йўлга қўйилиб, ҳовулар ташкил қилинган эди. Унинг ёнига қалампир етиштириш ҳам қўшилгани айни муддао бўлди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БИЛАН ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ САРИ

Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда “Инсон қадрини учун” деган ғоя асосида маҳаллабай, хонадонбай ишлаш орқали аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, эҳтиёжманд оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, камбағалликдан чиқариш буйича манзилли ва тизимли ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда.



Аҳрорбек МАНСУРОВ,
Тўрақўрғон тумани ҳокими.

Президентимиз ташаббуси билан бу борада халқни рози қилишнинг самарали тизими йўлга қўйилди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”нинг жорий этилиши эса аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ижтимоий ҳимоялашда ҳақиқий дастуриламал бўлмоқда. Бу борада бир қатор қарор, фармонлар қабул қилинди ва манзилли ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина туманимиз мисолида айтиладиган бўлсам, муҳтарам Президентимизнинг тегишли қарорлари доирасида маҳаллаларда ички йўллар, ичимлик суви ва электр энергия ҳамда ижтимоий

соҳа объектларини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш режалаштирилган. Бу мақсадларга 35 млрд. 893 млн. сўм маблағ ажратилган.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласида 2010-2016 йилларда туман буйича 106 минг нафар аҳоли ёки 45 фоизга ичимлик суви етиб борган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич 80 фоизга етказилди. Жорий йилда белгиланган дастурлар доирасида режалаштирилган ишларни амалга ошириш натижасида ушбу кўрсаткич 90 фоизга етказилди.

Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш буйича халқимиз фикри асосида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шуни алоҳида айтиш керакки, ҳозирга қадар Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилар, халқ фикри ва таклифлари ўрганилмасди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ: ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Янги Ўзбекистонимизни “Ижтимоий давлат” тамойили асосида барпо этиш янгиланаётган Конституциямизда ўз аксини топганлиги ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун тенг имконият ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш, умумун олганда инсон қадр-қимматини юксалтириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш демакдир.

Одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга бўлган ишончининг мустақкам қарор топиши инсон қадр-қимматини улуглайдиган қонунларнинг жамиятда мавжудлиги ва унинг амал қилиши билан характерланади. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, янги қабул қилинаётган Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлатнинг талабларига ва мезонларига шунингдек, халқаро андозаларга тўла-тўқис мос келади.

(Давоми 2-саҳифада)



Ўз тақдири, келажига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон ўзининг сиёсий ҳуқуқидан албатта фойдаланади

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ: ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИ ВА УНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



бой тарихи, маданияти ҳамда миллий урф-одатлари, анъаналари эътироф этилганлиги аҳамиятга моликдир. Шунингдек, давлатни бошқариш, мамлакатнинг яхлитлигини таъминлаш таъминчилари, аждодларимизнинг давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги ғоя ва фикрлари, амалга оширган ишлари, тажрибалари асосида янгилаётган Асосий Қонуни-мизнинг мезони қилиб олинганлиги эътиборга лойиқдир. Буюк Соҳибқирон Амир Темурунинг "Темур тузуқлари"да давлатни бошқаришга оид муҳим тартиб-қоидалар шундай эътироф этилган: "Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра тузуққа таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортигу-га даъвогарлик қила олмади". Бу фикрлар Амир Темуру давлати бошқарув тизимининг асосий ғояси бўлиб хизмат қилган, унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳам беқиссдир. Зеро, давлат бошқарувида кунун, адолат устувор бўлиб, халқнинг ороу-умидлари рўёбга чиқишида муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилина-

ётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Энг муҳими, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон сиёсати халқаро ҳам-жамият томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги республика-мизда амалга оширилаётган кунда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томони-дан мазкур соҳада қабул қилинган ундан ортиқ асосий халқаро шарт-нома иштирокчисига айланган. Бу албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бора-ётганлигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа умумэътироф этилган дахлсиз ҳуқуқлари янги-ланаётган Конституциямизда ўз аксини топганлиги билан аҳамият-лидир. Зеро, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг декабрида Олий

билан олдинга интилоқда. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳуқуқий ҳимояси давлатнинг бош вазифаси этиб белгиланганлиги халқимиз хоҳиш-иродасининг рўёбга чиқариш йўлидаги саяё-ҳаракатлардан далолатдир. Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томони-дан мазкур соҳада қабул қилинган ундан ортиқ асосий халқаро шарт-нома иштирокчисига айланган. Бу албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб бора-ётганлигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа умумэътироф этилган дахлсиз ҳуқуқлари янги-ланаётган Конституциямизда ўз аксини топганлиги билан аҳамият-лидир. Зеро, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг декабрида Олий

Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, "Ҳеч кимнинг унуттишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият. Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улғу, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз. Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд этамиз". Инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг Конституциявий кафолатлари жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва такомиллаштириш ишларининг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, қонун устуворлиги барча фуқаролар ва мансабдор шахсларга тегишли бўлиб, жамият тараққиётида, юксалишида ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, янгилаётган Конституция-миз мустақиллик ғояси билан, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан суғорилган бўлиб, жаҳондаги етакчи давлатларнинг Конститу-циявий тажрибаларига бутунлай мос келади. Референдум асосида қабул қилинаётган Янги Консти-туциямиз Янги Ўзбекистонимизни барпо этиш йўлида қўзлаган эзгу мақсад-муддаоларимизга эришиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бў-либ хизмат қилиши шак-шубҳа-сиздир.

Ҳақимали АЗИМОВ, Тошкент давлат юридик университети профессори.

Янгилаётган Конституция Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни бирлаштиришга қаратилган бўлиб, унда жамиятдаги барча қатламларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари акс этган. Шу боис ҳам лойиҳани ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик фаол иштирок этди. Натижада амалдаги Конституциянинг аксарият нормалари, аниқроғи 91 та нормаси концептуал жиҳатдан янгиланмоқда. Шундан келиб чиқиб, Конституцияни янги таҳрирда баён этишга қарор қилинди.

ХАЛҚНИНГ ФИКРИ БИЛАН САЙҚАЛ ТОПГАН ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

Таклиф этилаётган ўзгарти-ришларнинг ярмидан зиёдроги инсоннинг ҳуқуқи ва эркинлик-ларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш механизми мустаҳкамла-шга қаратилган бўлиб, унда умумхалқ муҳокамаларидан келиб тушган жами мурожаат-ларнинг тўртдан бири жой ол-ганки, уни халқ Конституцияси деб баралла айтиш мумкин. Шу ўринда ҳақли савол-лар туғилади. Конституцияни ўзгартириш бизга нега керак, Конституция давлат учун энг муҳим юридик ҳужжат эканли-ги сабабли Конституциянинг ўзида уни ўзгартириш тартиби тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлиб, унда референдум ўтказишга зарурат мавжудми...?

Маълумки, амалдаги Консти-туциямизнинг 127-моддаси-да Ўзбекистон Республи-касининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўз-бекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик па-латаси депутатлари ва Сена-ти аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўз-бекистон Республикасининг референдуми билан кирити-лиши белгиланган.

"Ўзбекистон Республика-сининг референдуми тўғри-сида"ги Ўзбекистон Респу-бликаси Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Рес-публикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқаро-ларнинг умумхалқ овоз бери-шидир, деб белгилаб қўйил-ган. Шунингдек, ушбу моддада референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодаси эканлиги, референдумда қабул қилин-ган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиши, агар ре-ферендумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ре-ферендумда қабул қилинган қарорлар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин-лиги, референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳу-дудидан ўтказилиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Конституциявий комиссия аъзолари билан ўтказилган учрашувда амалдаги қонун-чилигимизга мувофиқ парла-ментнинг ўзи ҳам Консти-туцияга ўзгартириш киритиш ваколатига эга эканлиги, ле-кин конституциявий ислохот фуқароларимизнинг фикри-ни ҳисобга олиш асосида, референдум орқали амалга оширилса, бу тоғ маънода халқимиз хоҳиш-иродасининг ифодаси – ҳақиқий халқ Кон-ституцияси бўлади деб айтган эди. Янгилаётган Конститу-циямиз адолатли жамият ку-риш, инсон қадрини улғулаш йўлидаги улкан қадам ҳисоб-ланади. Конституциянинг қа-бул қилиниши бевосита халқ-нинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмоқда, яъни янги лойиҳа референдумда маъқулланса, қабул қилинади.

Референдум референ-дум ўтказилдиган кунга қа-дар ёки референдум кунда

ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбе-кистон Республикасининг ҳар бир фуқароси иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қила-ётган ёки турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси референдумда иштирок этиш-га тўла ҳақлидир.

Конституцияни ўзгарти-ришдан хавотирга тушмас-лик керак, чунки жамият ри-вожланади, ундаги ижтимоий муносабатлар такомиллашиб боради ва бу албатта Консти-туция билан тартибга солини-ши лозим бўлади. Қонунлар ҳам эскиради, замон талабига жавоб бермай қолади. Шу ҳо-латда уларга ўзгартиришлар киритилиб, замон талабига мувофиқлаштирилади. Қонун-лар халқ, жамият манфаатла-ри учун хизмат қилиши керак, агар қонунда ушбу талаблар-га жавоб берадиган қоидалар мужассам бўлмас экан, унинг аҳамияти йўқолади. Айни вақт-да мамлакатимизда рўй бе-раётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, иқтисодиётнинг ривожланиши, инсон ҳуқуқи ва манфаатлари, эркинликларини таъминлашнинг янги босқичга олиб чиқиши зару-ратини юзага келтирди.

Бизнинг амалдаги Конс-титуциямиз 20 йилдан ортиқ мuddат ишлади. Бу яхши кўр-саткичи ҳисобланади. Жаҳон тажрибасига қарасак, кўп-лаб давлатлар ўз Конституцияла-рини бир неча марта ўз-гартирганлар. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ҳар қандай давлатнинг ри-вожланиши йўлини белгилаб берувчи олий қонун ҳужжати референдумда бевосита халқ томонидан қабул қилинади. Албатта, референдумда ишти-рок этиш бизнинг ҳуқуқимиз, мажбуриятимиз эмас. Бироқ инсон ҳуқуқ-манфаатлари кенгайтириш ҳамда ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлаш учун, миллий бирлигимизни кучайтириш ҳамда давлат суверенитетини, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш учун, давлат бошқарувининг самардорлигини ва барқарор-лигини мустаҳкамлаш учун, фуқароларнинг ўз тақдирла-рига бевосита ва билвосита дахлдор масалаларда қарор қабул қилишда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш учун имкониятдан фойдала-нишимиз шарт. Референдум арафасида турар эканмиз, ҳозирда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, сиёсий фоалик жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий мада-ниятни юксалтириш бораси-даги ишларни янги босқичга кўтаришга, ҳар бир фуқарога давлат олдида, қонун олдида, келажак олдида масъулли-к ҳиссини кучайтиришга ишо-наамиз. Ўз тақдири, келажига бефарқ бўлмаган ҳар бир ин-сон ўзининг сиёсий ҳуқуқидан албатта фойдаланади.

Хулоса қилиб айтганда, янгилаётган Конституция ҳаётимизнинг барча жаҳдал-ларини тартибга солиб, юртимиз ривожини учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Паризот ЗАКIROVA, Зангиота туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ТОШКЕНТДА ҚИТЪА ВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Кейинги икки ҳафта мобайнида Тошкент бир эмас, учта халқаро нуфузли мусобақага мезбонлик қилади.

Жорий йилнинг 27-30 апрель кунлари енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида қитъа чемпионати, 29 апрель – 5 май кунлари камондан отиш бўйича Осиё кубогининг иккинчи босқичи, 30 апрель – 14 май кунлари эса бокс бўйича эркаклар ўртасида жаҳон чемпионати пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Ҳўш, мазкур мусобақаларга тайёргарлик ишлари қандай олиб борилмоқда? Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган йиғилиш баёнлари, "йўл хариталари" ижроси белгиланган вақтда таъминланяптими?

Бугун ёшлар сиёсати ва спорт вазири Адҳам Икромов иштирокида ташкил этилган йиғилишда шу хусусда сўз борди.



Ушбу чемпионатлар юртимизда 30 апрель кунини ўтказилаётган умумхалқ референдуми билан бир пайтга тўғри келаётгани, мусобақаларни бир қатор хорижий давлатларнинг дипломатлари, расмий вакиллари Тошкентда кузатишини таъкидлаб, мусобақалар билан боғлиқ барча масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлишини билдирди.

Бу чемпионатлар Янги Ўзбекистоннинг спорт салоҳиятини халқаро майдонда кўрсата билишда муҳим омил саналади. Муҳокамалар давомида Миллий олимпия қўмитаси бош котиби Ойбек Қосимов, мамлакат бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Саен Полатов, федерация масъуллари, Республика олий спорт маҳорати мактаблари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтишди.

Учрашув якунида ҳар бир йўналиш бўйича масъулларга тегишли вазифалар белгиланиб, иш самардорлигини ошириш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берилди. Тўлқин РЎЗИЕВ, ЎЗА муҳбири.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Сўнгги йилларда республикада паррандачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар яратилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қарори билан республикада озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлашда паррандачилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор имтиёзлар жорий этилган.

Мазкур соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларимиз ривожланган хориж давлатларидан зотдор паррандаларни олиб келиб, ўз корхоналарида боқиш ва кўпайтириш ишларини амалга оширмоқда. Айни шу йўналишда фаолият юритаётган корхоналардан бири Фарғона вилояти Қўштепа туманида жойлашган "Фарғона насли парранда" МЧЖ ҳам тухум етиштиришга ихтисослашган тадбиркорлик корхонасидир. Ушбу корхона 2008 йил ташкил топган бўлиб, асосан аҳолига сифатли тухум маҳсулотларини етказиб бериш билан шуғулланади. Ҳозирги кунда корхонада тухум берувчи 250 минг дона парранда парвариш қилинмоқда. Корхонанинг кунлик қуввати 200 минг дона сифатли тухум ишлаб чиқаришдир. Парранда цехларига Туркиядан келтирилган автоматлашган товуқ қафаслари ўрнатилган. Таъкидлаш жоиз, мазкур қафасларда боқилаётган паррандаларга озуқа бериш ва тухумларни йиғиб олиш инсон омилсиз компьютерлашган дастур ёрдамида амалга оширилади.



зотлар тухумчиликка мослашган ва махсулдорлиги билан бошқа паррандалардан ажралаб туради. Бу зотдаги парранда тухуми бозор-бор, катта ҳажмли ва сифатли, кўриниши жуда чиройлилиги билан бошқаларидан ажралаб туради, – дейди корхона раҳбари Нозимжон Йўлдошев. – Омухта емлари кўпроқ фермер ҳўжаликларидан ва дон билан шуғулланувчи импортёрлардан сотиб оламиз. Биз, тадбиркорлар учун барча шароитлар яратилган. Хоҳласак пулларимизни конвертация қилиб, хориж давлатлардан озуқа емларини олиб келамиз. Фаолиятимизда муаммолар йўқ. Маълумки, сўнгги йилларда сай-

ёрамизда иқлим ўзгариши сабабли ёз ойларида ҳаво ҳарорати меъёридан ортиқроқ исиб бормоқда. Бунинг оқибатида кўпгина соҳаларни модернизация қилиш жараёнларини даврнинг ўзи тақозо этаёпти. Ҳавонинг исиб кетиши бошқа соҳалар каби паррандачилик йўналишида ҳам кўп-кўп ноқулайликлар келтиради. Хусусан, паррандачиликда кўпайтириш ва улардан тухум олиш жараёнига ҳам салбий таъсирини кўрсатади. Шу ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида ўтган йилнинг ноябрь ойида корхонанинг 11-цехига Беларус Республикасидаги "Саграда" фермасидан замонавий инновацион технология, яъни, ҳароратни автоматик назорат қилиш ускунаси олиб келинди. Бу ускуна 24 соат мобайнида товуқ қафасларидаги ҳарорат мўътадиллигини компьютерлаштирилган тизим асосида назорат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу технология орқали юқори сифатли товуқ тухумлари ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шу боис, корхона-нинг бошқа цехларига ҳам бу замонавий амалиётни босқичма-босқич ўрнатиш режалаштирилмоқда. Корхона бугунги кунда тўлиқ иш қувватида ишлаётган бўлиб, ишлаб чиқарилган тухум маҳсулотлари маҳаллий бозорларимизга етказиб берилди.

Ҳўжаликда 60 нафар ишчининг бандлиги таъминланган. Уларнинг яхши ишлаб, яхши дам олиши учун барча шароитлар бор. Келгусида корхонада паррандалар сонини 500 мингга еткази-б, ишчилар сонини 100 нафардан ошириш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ахборот хизмати.

Янги тахрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган

Археолог олимларимиз томонидан Афросиёб тепаликларида эраммиздан олдинги бир неча минг йилликларга бориб тақаладиган, сополдан ясалган сув ва канализация қувурлари қолдиқлари – коризлар топилган. Бундан кўриниб турибдики, Самарқанд шаҳар аҳолиси жуда қадим-қадимдан Зарафшон дарёси сувидан баҳраманд бўлиб келган. Лекин вақт ўтиши билан шаҳар кенгайиб, аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида сувга бўлган талаб ҳам ортиб борган. Шу тариқа шаҳар аҳолисини сув билан таъминлаш бўйича илмий-муҳандислик тизимини яратиш эҳтиёжи пайдо бўлган. Ўтган асрнинг 40-70-йилларига келиб Зарафшон дарёси ёқасида Чўпонота ва Даҳбед сув ҳавзалари қурилиб, ер ости қувурлари орқали шаҳарнинг Мулиён, Сўғдиёна каби етти насос станцияларига ва улардан шаҳардаги кўп қаватли уйларга, ижтимоий-маиший объектларга етказиб берилди.



Шаҳар аҳолиси сифатли ИЧИМЛИК СУВИ билан таъминланмоқда

Самарқанд шаҳри қадимдан Зарафшон дарёсидан ўтказилган канал ва ариқлар орқали оқар сув билан таъминланиб келинган.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида ярим миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бундан ташқари ҳар кун миңлаб меҳмонлар ташриф буюришини ҳисобга оладиган бўлсак, сувга бўлган талабнинг кундан-кунга ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Лекин

сув иншоотлари ўтган асрда қурилган учун эскириб, ўз хизмати йўқ бўлган. Мавжуд қийинчиликларга қарамадан, шаҳар ҳокимининг бевосита раҳбарлигида аҳолини юз фоиз ичимлик суви билан таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 10 мартдаги қарорига асосан Самарқанд шаҳар аҳолисини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Сув таъминотини янада яхшилаш мақсадида 2022 йилда “Самарқанд суви таъминоти” МЧЖ маблағлари ҳисобидан шаҳарнинг 9 та маҳалласида 3 километрдан узунроқ масофадаги таъмирталаб бўлиб қолган ўрта сифимдаги сув қувурлари алмаштирилди. Сув таъминоти ва оқова сув объектлари бўйича инженеринг компанияси унитар корхонаси Самарқанд вилояти худудий бошқармаси буюртмаси билан Инвестиция дастурига

киритилган Чўпонота сув иншоотидан Улуғбек расадхонасигача 8,1 км. бўлган асосий магистраль сув тармоқлари реконструкция қилинди.

Шаҳарнинг ер ости ичимлик суви тармоқлари 801,4 км. бўлиб, шундан 223,1 км. 1940-1970 йилларда қурилган. Бу асосий сув тармоқлари узунлигининг 28 фоизини ташкил қилади. Аҳолининг ичимлик суви бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Абу-Дабби Тараққиёт жамғармаси иштирокида “Самарқанд шаҳри инфратузилмасини модернизация қилиш” инвестицион лойиҳаси бўйича Чўпонота ва Даҳбед сув иншоотлари қайта янгиланди.

У.Жўрақулов кўчасидан С.Айний кўчаси бўйлаб 6,5 километрдан зиёдроқ, диаметри 1000 мм.ли асосий магистраль сув қувурлари тўлиқ алмаштирилди. Шаҳарнинг 30 дан зиёд маҳалла ва кўчаларида 36,55 км. сув қувурлари алмаштирилди.

Қорасув массивида аҳолининг кам таъминланган қатлами учун қурилган кўп қаватли уйларга сув қувурлари ётқизилди. 10 та маҳаллада 55 км. тармоқ ва 2 та оқова сув тозалаш иншоотлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада аҳолини оқова сув билан таъминлаш даражаси 72,1 фоиздан 80 фоизга кўтарилди. Инвестиция ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида 3,2 млрд. сўм ва маҳаллий бюджет (Халқаро Тикланиш тараққиёт жамғармаси) маблағлари ҳисобидан 65,8 км.лик ичимлик суви қувурлари ётқизилди, 3 та ичимлик суви иншооти, оқова сув, 28,6 км.лик сув тармоғи ҳамда 4 та сув иншооти қурилиб, ишга туширилди. Жорий йил бошидан “Самарқанд суви таъминоти” МЧЖ Самарқанд шаҳар филиали томонидан 10 та ичимлик суви қудуқ насослари янгисига алмаштирилди. Натижада 3 мингдан ортиқ аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Шуниси қувончлики, бугунги кунда шаҳримизнинг борча маҳаллаларида Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ичимлик суви қувурларини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу эса аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш кафолатини беради.

Жавоҳир ЗУГУРОВ,
“Самарқанд шаҳар суви таъминоти” МЧЖ бошлиғи.

ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ БИЛАН ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ САРИ

(Боши 1-саҳифада)
Эндидикда эса Конституциянинг ҳар матни олим-мутахассислар томонидан фақат кабинетларда яратилмади. Балки, давлат вакили босқичда халқимизнинг фикри, тақлифлари ўрганилди, шундан сўнггина лойиҳа тайёрланди.

Буларнинг ҳаммаси янги тахрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олингани, Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош Қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганидан далолат беради. Яна бир жиҳат, тарихимизда илк бора Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб белгиланмоқда. Яъни, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани мустаҳкамланган. Шу билан бирга, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши



Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар доираси кенгайиб, биринчи марта баъзи қимматли Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги



белгиланмоқда. Конституция лойиҳасида Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат, деб белгиланмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинган экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиқча ошмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланади қатъий талаб сифатида белгиланяптики, бу ҳол давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлади. Шунингдек,

мустаҳкамланмоқда. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, янги тахрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши давлат ва фуқаролик жамиятининг жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос яратди. Шу билан бирга ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини оширишга, давлатнинг янги мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва ҳокимлар олдида турган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашга ҳизмат қилади.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ФЕРМЕР ВА ПИЛЛАКОРЛАР РЕФЕРЕНДУМДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

Андижон шаҳридаги “Жоме” меъморий мажмуаси майдонида “Андижон агропилла” масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси ҳамда жорий йил 30 апрель кунини бўлиб ўтадиган референдум тартибига бағишланган тадбир ўтказилди.



“Конституция меники, сенки, бизники! Конституция ўзимизники” шiori остида бўлиб ўтган тадбирда вилоятда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари вакиллари, пиллакорлар иштирок этди. Тадбирда мамлакатимиз янгиланаётган Конституциясининг мазмун-моҳияти, унинг жамият раванқи, фуқароларимиз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини мустаҳкамлаш борасидаги ўрни, роли ва аҳамияти, шунингдек, жорий йилнинг 30 апрель кунини бўлиб ўтадиган умумхалқ референдуми хусусида сўз юритилди.

Тадбирда янгиланаётган Конституциямизда қатор йўналишларда, хусусан, ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши ҳақидаги модда ва нормалар юзасидан иштирокчиларга маълумотлар берилди.

— Янгиланаётган Конституцияимизнинг 43-моддасида “Давлат фуқароларнинг банд-

лигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради”, деган жумла баён этилган, — дейди “Андижон агропилла” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жамшидбек Ҳамидов. — Қонун лойиҳасининг 65-моддасида эса “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шaroитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини қамраб олади” қатъий белгилаб қўйилган. Умуман, ҳужжатда аҳоли барча қатламларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган қатор нормалар борки, бу шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир фуқаронини руҳлантиради.

Тадбирда сўз олган фермер ва пиллакорлар 30 апрель кунини ўтказилган умумхалқ референдумида соҳанинг барча ходимларини фаол қатнашишга, янгиланаётган Конституцияимизни маъқуллаб овоз беришга чақирди.

Тадбир давомида таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган шўх куй ва кўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди. **Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
ЎЗА муҳбири.

ХОРАЗМДА ШҶР ЮВИШ ИШЛАРИ СИФАТИ БАҲОЛАНМОҚДА

Айни кунларда Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедиция мутахассис-ҳодимлари томонидан куз-қиш мавсумида ўтказилган шўр ювиш ишларининг сифатини баҳолаш мақсадида туپроқ намуналари таҳлили бажарилмоқда.

— Туپроқ намуналари махсус бургу асбоби ҳамда “Прогресс-1Т” ускунаси ёрдамида олинди ва ҳар бир нуқтанинг координатаси белгиланиб борилади, — дейди Мелиоратив экспедициянинг Туپроқ намуналарини олиш ва ерларнинг шўрланиш хариталарини тузиш бўлими бошлиғи Бобомурод Худоев. — Лаборатория таҳлили натижалари асосида худудларнинг суғориладиган майдонларида туپроқ шўрланиш хариталари тузилади. Ушбу тадбир бир йилда икки марта амалга оширилиб, шунга асосан келгуси йилги шўр ювиш меъерларига тавсиялар ишлаб чиқилади.

Чапқирғоқ Амударё ИТХБ
матбуот хизмати



Мутахассис тавсиялари

Ўсимликларнинг озуқа мутаносиблигига аҳамият бериш орқали туپроқ унумдорлигини ошириш, сув буғланишини камайтириш, намининг узоқ сақланишини таъминлаш мумкин. Фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш деҳқончилик маданиятини кўтаришнинг энг муҳим шартидир.



Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда, энг аввало, оқилона ва бор тажрибаларга таяниб, маъданли ва маҳаллий ўғитларни меъёрида ва муддатда солиб иш юритиш катта аҳамиятга эга. Ғўзанинг озуқа моддаларга талаби нафақат миқдор, балки сифат кўлаш самарали ҳисобланади. Туپроқнинг табиий унумдорлиги ҳисобига ҳар гектардан 12-14 центнергача пахта етиштириш мумкин. Ғўза азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантирилса, ҳосилдорлик 30-35 ц/га етади. Ғўза экинни туپроққа солинган азотнинг 40-50, фосфорнинг 15-20, калийнинг 40-50 фоизини ўзлаштиради. Шу боис, ўғитларнинг энг мақбул миқдори, муддати, ишлатиш услуби, озуқа моддаларини ўзаро мутаносиблигини билиш зарур. Зеро, буларни чуқур билиш турли туپроқ-иқлим шaroитида ҳам ўғитлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

ҒўЗА ПАРВАРИШИДА ОЗУҚА МУТАНОСИБЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА

Олимлар ғўзанинг талаби ва туپроқ-иқлим шaroитини назарда тутиб, ўсимлик ўсиши ва ривожланишининг турли босқичларини ўғитларни ишлатиш усулини ишлаб чиқаришга айланди. Тажрибаларга кўра, маъданли ўғитлар билан бир қаторда маҳаллий ўғитларни қўллаш самарали ҳисобланади. Улар микроорганизмлар ёрдамида парчаланиб, натижада ҳосил бўладиган карбонат ангидрид туپроққа олдинги йиллари солинган фосфорга таъсир кўрсатиб, унинг эрувчанлигини кучайтиради. Натижада ўсимлик уни анча кўп ўзлаштиради. Маҳаллий ўғитлар таркибидаги углерод яна микроорганизмлар томонидан қайта ишланиб, чиринди таркибига кирадиган мураккаб бирикмаларга айланди. Туپроққа қанча кўп маҳаллий ўғит солинса, шунча буғланиш камайдир, чирини оқибатида, шунча кўп углерод ажралиб чиқади ва ўсимликнинг ҳаводан озикланиши – фо-

боща ўғитларга кам аҳамият берадилар. Ҳолбуки, ғўзанинг фосфор, айниқса, калийга талаби азотга бўлган эҳтиёждан кам эмас. Ҳаттоки, ундан ҳам юқори-

етишмовчилик кучайганда барглари сулқирайди, тана бўшаши, гуллаш ва кўскаш жараёни бузилади. Ҳосилнинг етишиши ҳар хил бўлади.

Мутахассислар ғўза ўсиши ва ривожланишининг турли босқичларида ўғитни ишлатиш усулларини ишлаб чиқарган. Ғўза ҳосил туғунчалари пайдо бўлиши жараёнида, айниқса, озуқага муҳтожлик сезади. Шунинг учун бу пайтда озиклантиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳар гектар ердан 30-35 центнердан ҳосил олиш учун соф ҳолда 200 кг/га азот, 140 кг/га фосфор ва 100 кг/га калий берилиши мақсадга мувофиқ. Калий ва фосфор етишмаган майдонларда тўла чиритиб, сўнгра қурилган гўнгни ғўзанинг ўсуви даврида минерал ўғитлар билан қўшиб ишлатиш ҳам яхши фойда беради. Булар билан бир қаторда, ғўзанинг ривожланишини тезлаштириш ҳамда кассалликлар ва зараркундаларга чидамлилигини ошириш учун 2-2,5 фоизли карбамидли суспензия қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун таъминлашнинг асосий қисми калийли ўғитлар ғўза ўсиш тўқималарининг чидамлилигини оширади, моддалар алмашиш жараёнини кучаяди. Шуларни инобатга олиб, одатда ўсим-ривожланишининг асосий босқичларида азот, фосфор ва калийнинг ўзаро нисбатлари 1,0 : 0,7 : 0,5 тарзда бўлиши лозим. Бунда фосфор ва калийнинг йиллик меъёрига нисбатан 60-70 фоизини шудорлаш ёки экин олдидан, қолганини эса вегетация даврида, озиклантириш пайтида бериш даркор.

Кўпчилик деҳқонлар ерга азот солишга кўпроқ эътибор қаратиб,

роқдир. Буни рақамлар тили билан айтганда, бир тонна пахта хомаёси туپроқдан 50-60 килограмдан азот, калий ва 20-25 килограмм фосфор ўзлаштиради. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида кўра, ғўза меъёрида озиклантирилганда, ҳар бир чаноқнинг ўртача оғирлиги 6-7 граммни ташкил этади. Калий тақчил бўлганда эса бу кўрсаткич 3,5-4 граммдан ошмаган. Қолаверса, толаннинг пишиқлиги, уруғининг мойлилиги пасайган. Калийли ўғитлар ғўза ўсиш тўқималарининг чидамлилигини оширади, моддалар алмашиш жараёнини кучаяди. Шундай ўғит билан етарли озиклантирилган ғўза қиска муддатли куроқчиликка бардош беради. Калийнинг таъсири билан ўсимлик азотни ўзлаштиради, оқсиллар ҳосил бўлиши яхшиланади. Калий етишмаган тақдирда эса экиннинг кассалликларга чидамлилиги сусаяди, асосий танасининг ўсиши тўхтайдиган. Айниқса, бўғинлар ўртасидаги оралиқ сезиларли даражада қисқаради, ғўза барги тўқ яшил тусга киради. Бу

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими,
Жўраҳон АБДУЛЛАЕВ,
Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бош мутахассиси.

У Қамаш кенгликларидан эсанг умид шамолларидан завқ ва шавқ олиб, эллик йил тинмасдан ижод қилди ва ўзидан бетакрор асарлар қолдирди



Камина адиб Турсунбой Боймиров тўғрисида эшитганимда ҳали мактаб ўқувчиси эдим. Адибнинг ҳажвиялари "Телевизион миниатюралар театри" кўрсатувида ҳамда "Табассум" радиожурналда тез-тез бериб борилар эди. Бадиатга бефарқ бўлмаганлигим сабаб бу кўрсатув ва радио эшиттиришларни қолдирмасдан кўриб ва тинглаб борардим. Мен ўша даврларда Турсунбой Боймировни шахсан танимас эдим, фақат бу ижодкорнинг қамашлик эканини билардим, холос.

Орадан йиллар ўтди, институтни тугатганимдан кейин тумандаги ташкилотларда раҳбар ва туман ҳокимининг ўринбосари вазифаларида ишлаган давримда Турсунбой Боймиров билан шахсан танишдим. 2015 йилда онамга бағишланган "Онам билан суҳбат" шеърим туман газетасида чоп қилинди. Кунларнинг бирида ишхонамда ишлаб ўтирган эдим, қўл телефонимга эгаси ноъмалум бўлган шахсдан кўнгирик келди. Телефонни кўтардим. Кимдир тўсатдан менинг газетани эълон қилинган баяги шеъримни майин овозда ўқий бошлади. Мен шеърининг кучини ўшанда кўрганман, ўзим ёзган шеърни бошқалар тилидан эшитиб, ишонасизми, йўқми, кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Кейин билсам шеърни ўқиган киши Турсунбой Боймиров экан. Шундан сўнг бир куни ишхонамга мен билан танишмоқ мақсадида Турсунбой Боймировнинг ўзи кириб келди. У киши билан адабиёт ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Шу кундан эътиборан у киши билан тез-тез суҳбатлашадиган бўлдик. Турсунбой ака ҳазилкаш ва дилкаш одам экан.

Турсунбой Боймиров йигирмадан ортиқ қисса, ҳажвий ва тарихий асарлар, адабий очерклар ва бошқа жанрларда

Табиаатнинг кўнжачак кўйчиси эди

асарлар яратган бўлиб, унинг "Балоибад", "Эл фарзандлари", "Элда эъзоз топганлар", "Сеҳрли диёр", "Одам бормас одамларнинг оддий йўли", "Ойдин йўл", "Бобуртепа қирларида баҳор", "Изтироб", "Дўстлар қаҳ-қаҳаси", "Табассум", "Ё отамнинг қўли", "Бобур изидан", "Элда эъзоз топганлар", "Оқ ўтов" каби асарлари шулар жумласидандир. Ушбу асарларнинг деярли ҳаммасида Ватан ва миллатнинг тақдири, унинг тарихи тараннум қилинган. Айниқса, адибнинг асарлари табиат манзаралари ҳақоний ва реал тарзда ифода қилинганлиги билан аҳамиятлидир. Бадиий асарда табиат манзараларининг тасвири бўлмаса, бундай асарлар ғариб асарлар ҳисобланади. Худди шундай тасвирларни Бобурнинг "Бобурнома", рус ёзувчилари Ф. Достоевский, Л. Толстой, япон ёзувчиси Х. Мураками ва бошқа ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг дурдона асарларида ўқиганман.

Турсунбой Боймиров Кўкбулоқ тоғи

бағридаги Чуқурли деб аталган қишлоқда туғилган ва унинг болалик ва ёшлик йиллари ҳам шу тоғ бағрида ўтган. Кейинчалик эса қишлоқ аҳли Қамаш туманидаги "Одам бормас" деб номланувчи даштликни ўзлаштириш мақсадида мажбурий тартибда кўчирилган. Адиб тоғ фарзанди бўлганлиги сабаб унинг асарларида тоғ манзаралари, ноёб ўсимликлари, ҳайвонат дунёсининг ҳақиқий кўриниши идеал тарзда тасвирланади. Айниқса, соғлиқ учун фойдали бўлган тоғ гиёҳларининг номма-ном ёзилганлигини ўқиб, қойил қолганман.

Қамаш туманининг тоғли Лангар қишлоғида "Лангар ота" зиёратгоҳи ёки манбаларда Катта Лангар деб аталувчи моддий-маданий мерос объекти бор. Турсунбой Боймиров мана шу зиёратгоҳ тўғрисида мўъжазгина китоб ёзган. Шундан сўнг зиёратгоҳда мангу кўним топган Лангар шайхларининг тарихи тўғрисида манбалар асосида ҳеч ким китоб ёзмаган.

Мана шу хайрли ишни давом эттириб, 2019 йилда Турсунбой Боймиров, адиб Темирпўлат Тиллаев ва мен "Лангар ота – тарих кўзгусида" номли биринчи китобни ёздик. Муаллифлар гуруҳи Катта Лангар тўғрисидаги иккинчи китобни бошлаймиз, деб турган пайтимизда бедаво касаллик Турсунбой Боймировни орамиздан олиб кетди. Шундан сўнг камина Катта Лангар тарихига бағишланган иккинчи, учинчи ва тўртинчи китобларни илмий асосларда ёзиб тугатдим.

Турсунбой Боймиров ва Ўрлоб Қобиллар 2016 йилда "Қамаш ва қамашликлар" деб номланган тарихий ва публицистик китобини ёзиб тугатган бўлиб, асар ҳажми жиҳатидан анчагина салмоқли эди. Ушанда китобни чоп қилиш асосий муаммога айланди, чунки молиялаштириш манбаси йўқ эди. Турсунбой Боймиров ўша вақтдаги тумани ҳокими марҳум Рашид Муҳаммадиевнинг қабулига бир неча бор кирганлигининг гувоҳи бўлганман. Ниҳоят, асар дунё юзига кўрди. Бугунги кунда ушбу китобдан тадқиқотчилар ва мухлислар, юртимиз тарихига бефарқ бўлмаганлар баҳраманд бўлмоқда.

Серқирра адиб Турсунбой Боймиров Қамаш кенгликларидан эсанг умид шамолларидан завқ ва шавқ олиб, эллик йил тинмасдан ижод қилди ва ўзидан бетакрор асарлар қолдирди. Мен бу серқирра адиб яратган асарлар келажак авлодларимизнинг камолга етиши йўлида беминнат хизмат қилишига ишонаман.

Шухрат РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Қамаш



Ойбек АЛИЖОНОВ олган сурат

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

БУЛУНГУРДА "УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ" БЎЛИБ ЎТДИ

Халқимизда "Қариси бор уйнинг париси бор", деган ибратли мақол ҳам бежиз айтилмаган. Мўътабар нуронийларимиз ҳаётимизнинг кўрки, том манодаги зийнати ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам нуронийлари бор хонадонлар, маҳалларимиз файзли, қут-баракали, сариштали-фариштали бўлади. Улар нафақат оиланинг, балки жамиятимизнинг ҳам маънавий устуни, бойлиги, бахти ҳамда дуоғўйи ҳисобланишади.



туйғуларига тўлдирди. Айниқса, нуронийларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда тўлақонли иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратиш ва ёш авлодни эртанги куннинг муносиб эгалари қилиб тарбиялашдаги ролини янада юксалтиришга доир долзаб вазифаларнинг белгилаб берилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин исботидир.

"Кексаларнн эъзозлаш, уларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилат" гоёси остида мамлакатимизнинг барча худудларида, маҳаллаларида "Кексалар ҳафталиги", "Уч авлод учрашувлари"ни ўтказиб бориш яхши анъана тусига кирганлиги қувончли ҳолдир. Бундан ташқари, кексаалар ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ турли хил маънавий-маърифий, кўнгли-очар тадбирлар: кўрик танловлар, спорт мусобақаларининг мунтазам равишда ўтказилиб борилаётганлиги ҳам аҳамиятлидир.

Бундай кенг қўламли тадбирларни ўз вақтида, уюшқоқлик билан ўтказиш, қолаверса кекса отахон ва онахонларимизнинг мароқли дам олишлари учун Булунгур тумани марказидаги "Нуронийлар" масканида ҳам барча барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Маскандан миллий

ва умумхалқ байрамларимиз муносабати билан ҳам турли хил тадбирлар, учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда туман ҳокимлиги, туман "Нуронийлар" жамоатчилик кенгаши томонидан "Уч авлод учрашуви" маънавий-маърифий тадбири ўтказилди. Эрталабдан Маданият саройи ҳовлисида баралла янраган карнай-сурнай садолари ушбу тадбирга таклиф этилган уч юз нафардан ортиқ нуронийларни, туман фаолларини, ўрта ва кенжа авлод вакиллари саройининг муҳташам залига чорлади. Шу тарих "Уч авлод учрашуви" тадбири байрамон тарзда бошланди. Мушиқа садолари остида даврага бошловчилар кириб келишди. Улар туманининг ўтмиши, бугунги кунини, барча соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида гапиришди, шеърлар айтишди. Шундан сўнг туман ҳокими Самандар Астонов ва туман "Нуронийлар" жамоатчилик Кенгаши раиси Очил Аҳмедовлар тадбир иштирокчиларига туманда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, юртимизда юз бераётган янгиланишлар хусусида мамнуният билан сўзлаб беришди. Тадбирнинг бадиий қисмида туман маданият уйи қошидаги "Ёшлик" ашула ва рақс ансамбли раҳбари Бахтиёр Дониёров бошчилигидаги санъаткорлар, хушовоз хонанда, мумтоз кўшиқлар моҳир ижрочиси, 70 ёшли Уктам Эгамқулов, 80 ёшли отахон Суюн Норбеков томонидан мароқ билан ижро этилган бахши шоир Фозил Йулдош ўғлининг кўшиқлари, термалари, шунингдек, "Чавқи" фольклор-этнографик ансамбли жамоаси чиқишлари айниқса, барчани хушнуд этди.

Холбой ҚОСИМОВ,
адиб.



Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Бюджетга Г-440. 1756 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00

Реклама



МАХАМ-ЧИРЧИҚ



КАС – суяқ азотли ўғити, ўз таркибида азотнинг нитрат, аммоний ва амид турларини мужассамлаб, ўсимликларнинг узоқ вақт мобайнида азот билан озикланишини таъминлайди. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун экишдан аввал ва кейин, илдиздан ташқари ва илдиз орқали озиклантиришда қўллаш мумкин.

ТАРКИБИДА 27-33% АЗОТ МАВЖУД



Маҳсулот сертифициланган

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.



Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Эълон

"GREEN TV" МЧЖ (СТИР 302 996 279) устав жамғармаси 3 234 590 545 сўм 56 тийиндан 3 034 590 545 сўм 56 тийинга камайтирилаётганлигини маълум қилади. Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Жарқўрғон кўчаси 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.